

Институт тарихи

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти 1923 йилда Туркистон Давлат Университети Техника факултетининг Гидротехника бўлими Мелиорация муҳандислиги факултетининг тузилишидан бошланган. 1923 йилда 24 нафар талаба аграрном, 16 нафар талаба гидромелиорация муҳандиси сифатида институтни тамомлаб биринчи битирувчилари бўлишган. 1929 йили Мелиорация муҳандислиги факултети негизида механика қурилиши ва сув хўжалиги факултетлари очилиб Ўрта Осиё пахтачилик ирригация политехника институти ташкил этилди. Институтни ташкил этилиши Республиканинг қишлоқ ва сув хўжаликлари ҳодимларига бўлган кучли эҳтиёжни қондира бошлаган. Шу вақтларда ўрта осие республикаларида ер сув ислохотининг амалга оширилиши ҳамда ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштиришнинг янада ривожлантирилиши яхлит олий техника ўқув механизациясининг ташкил этилишини тақазо қилган.

1934 йилда ўрта осие ирригация муҳандислари ва техниклари институти ўрта осие қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаштириш муҳандислари институти номи билан бирлаштирилиб шу йилнинг 11 ноябридан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтига айлантирилган. Дастлаб унинг таркибида иккита гидромелиорация ва механизация факултетлари бўлган. Улуғ ватан уришидан кейинги даврда мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида юксалиш рўй берди, янги тармоқлар очила бошлади. Институтда эса ер қурилиши 1945 йилда, гидромелиорация ишларини механизациялаштириш 1946 йилда, гидроэнергетика қурилиши 1946 йилда, қишлоқ хўжалиги машиналарини тамирлаш технологияси ва уни ташкил этиш 1974 йилда, умуммуҳандислик 1979 йилда факултетларини очилиши Ўзбекистонда иқтисодий иштимой ўсиш билан чамбарчас боғлиқ. Мустақиллик йилларига келиб институтнинг ривожланган ҳорижий давлатлар университетлари билан ўқув илмий тажрибалар алмашишлари бўйича ҳамкорликлар ривожланди. Институтда ўқитиладиган фанларнинг ўзбек тилидаги адабиётлари яратилди талаба ёшларни тилларни ўрганишга, чет эл олий таълим муассасаларида ўқишларини давом этиришларига кенг имкониятлар яратилди, жумладан иқтидорли талабаларни қўллаб қувватлаш мақсадида жорий этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси, “Беруний”, “Навоий” номидаги давлат стипендиялари танловида ҳозирга қадар қишлоқ ва сув хўжалиги йўналиши бўйича 20 нафардан ортиқ талабаларимиз совриндор бўлишган. 2004 йил 30 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарори билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инжинерлари институти Тошкент ирригация ва мелиорация институтига айлантирилди. Институт ҳозирги кунларда том манода янги масулятли даврни бошидан кечирмоқда. Республикада қишлоқ ва сув хўжалиги учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш долзарб масала ҳисобланади. Ҳозирда институтда 4860 дан ортиқ талаба 18 таълим йўналиши, 15 магистратура мутахассисликлари бўйича 7 та факултетда таълим олиб келмоқдалар. Институтда уларга 30 та кафедрада 353 нафар малакали профессор ўқитувчилар таълим беришиб, уларнинг 31 нафари фан доктори профессорлар, 157 нафари фан номзоди дацентлардир.

Институт замон талабларига жавоб берадиган тўртда ўқув, учта ўқув лаборатория бинолари, замонавий ўқув илмий марказлар, умумий фонди 700 минг ўринга яқин ахборат ресурс маркази 1200 ўринли 3 та талабалар уйи, 460 ўринли талабалар ошхонаси ва истироҳат боғига эга. Институт жамоасининг асосий этибори таълим тўғрисидаги қонун ва кадрлар таёрлаш миллий дастурининг вазифаларидан келиб чиқиб бозор иқтисодиёти шароитида сув хўжалиги учун юқори малакали мутахассисларни таёрлашга қаратилган.

Тошкент ирригация ва мелиорация институти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3003- сонли қарорига биноан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига айлантирилди.